

ЛИТЕРАТУРА:

1. Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П.Кауфмана 1-го по гражданскому управлению и устройству областях Туркестанского-генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 – 25 марта 1881 г.- Спб., 1885. - С. 186.
2. Пален К.К. Приложение к отчету ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. Ч. 1, отд. 4. – СПб., 1911. – С. 408, 504.
3. Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарьинской областях. – СПб., 1867.
4. Полное собрание законов Российской империи. Собр. 3-е, Т. XXIII. – СПб., 1905. – С. 742-743.
5. Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М., 1991. – С. 30.
6. ЦГА РУз, ф. И.-16, оп. 1, д. 711, лл. 1-2 об.
7. Закон Правительствующего Сената Российской империи от 10 июля 1903 года. – СПб., 1903.
8. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане. – Т., 1997. – С. 117.
9. Там же, л. 19 (на немцев из России и мусульманских беженцев из Восточного Туркестана никакие льготы не распространялись).
10. Государственный архив Ферганского вилоята. Ф. 276, оп. 1, д. 131, л. 19-20.
11. ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 11, д. 703, л. 161-163.
12. ЦГА РУз, ф. И-18, оп. 2, д. 118, л. 114.
13. ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 9, д. 604, л. 17-18.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (XX АСРНИНГ 50-70 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Пардаев Тошкентбой Ражабович,
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси профессори вазифасини бажарувчи,
тарих фанлари доктори

Аннотация: Ушбу мақолада совет ҳукуматининг Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ стратегик мақсадлар ҳамда минтақа қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: совет ҳукумати, иктисодиёт, пахтачилик, монокультура, қишлоқ хўжалиги, мумаммо, миқдор, мослашув, қарор, умумиттифок.

Аннотация: В данной статье анализируются стратегические цели советского правительства, связанные с освоением новых земель в южных районах Узбекистана, а также особенности сельского хозяйства региона, а также установление единого хлопкового управления и его последствия.

Ключевые слова: советское правительство, хозяйство, хлопководство, монокультура, сельское хозяйство, проблема, объем, адаптация, решение, всесоюзный.

Abstract: This article analyzes the Soviet government's strategic goals related to the development of new lands in the southern regions of Uzbekistan, as well as the specific characteristics of the region's agriculture, as well as the establishment of a single cotton administration and its consequences.

Key words: Soviet government, economy, cotton cultivation, monoculture, agriculture, problem, amount, adaptation, decision, union.

Совет ҳукумати ўзининг марказлашган иқтисодий тизимини яратиш стратегиясининг бажарилишини доимий тарзда ўзининг назоратида олиб турди. Ушбу стратегияни амалга ошириш учун Марказ томонидан Ўзбекистон олдида директив тарзда умум иттифок ихтисослашувида республиканинг асосий пахта базаси сифатидаги мавқеини кескин кучайтиришдан иборат устувор вазифа қўйилди. Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти асосан пахтачиликни ривожлантиришга мослаштирилди. Бу эса асрлар давомида шаклланиб келган боғдорчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш каби соҳаларни иккинчи даражага тушириб қўйди. Пахта яккахокимлиги шароитида бошқа қишлоқ хўжалик экин майдонларининг ҳажми қисқариб кетди. Шу даврда Республиканинг жанубий областлари аграр соҳасида ҳам пахтачилик етакчи ўринни эгаллади. Минтақанинг қулай табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб мазкур областларда асосан ингичка толали пахта етиштириш устуворлик қилди. 1970 йилда Қашқадарё областида жами 451,5 минг гектар ерда деҳқончилик қилинган бўлса, шундан 114,2 минг гектари пахтачиликга 293,6 минг гектари донли экинлар етиштиришга, 0,6 минг гектари картошка, 6,2 минг гектари боғдорчилик 3 минг гектари полиз маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган эди. 1985 йилга келиб областда 553,8 минг гектар ерда деҳқончилик қилинди. Шундан 232,5 минг гектар ерда пахта 197,9 минг гектар ерда донли экинлар, 9,6 минг гектар ерда боғдорчилик, 9,0 минг гектар ерда эса полиз маҳсулотлари етиштирилди [1].

Бу даврда марказ қандай қилиб бўлмасин Ўзбекистон олдида кўпроқ пахта етказиб бориш вазифасини асосий вазифа қилиб қўйди. Шунга қарамадан республика қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга интилиш Ўзбекистон миллий раҳбариятининг фаолиятида яққол намоён бўлди. Шу мақсадда республика ҳукумати бир неча марта марказ олдида нафақат пахтачиликни шу билан бирга, шоликорлик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва бошқа аграр соҳаларни ривожлантиришга ҳам эътиборни кучайтириш зарурати ҳақидаги ташаббус билан чиқди. Улар мавжуд имкониятлар доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, замонавий чорвачилик комплексларини қуриш, паррандачиликни ривожлантириш, қишлоқни кадрлар билан таъминлашнинг моддий негизини мустаҳкамлаш бўйича қизғин иш олиб бордилар.

Ўзбекистонда мелиорация, ирригацияни ривожлантириш ва янги ерларни ўзлаштириш, аграр ишлаб чиқаришни механизациялаш, шахсий томорқа хўжалигини кучайтиришни ташкил этиш бўйича бошланган кенг қўламли ишлар ўзининг ижобий натижаларини берди. Шу тариқа аграр соҳа ялпи маҳсулотининг ҳажми 1965-1985 йиллар мобайнида амалда икки баробарга ошди [2]. Натижада жанубий областларнинг аграр соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи 1980 йилда Сурхондарё областида 523 минг тонна пахта, 217,2 минг тонна дон, 151,0 минг тонна сабзавот, 10,7 минг тонна картошка 55,7 минг тонна полиз, 35,5 минг тонна ҳўл мева ва 30,0 минг тонна узум етиштирилди [3].

Шунингдек, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш, ҳосилдорликни ошириш янги навлар яратиш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Селекциячи олимлар нафақат паختанинг балки, шоли, буғдой, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг янги анча маҳсулдор навларини яратдилар.

Жумладан, Сурхон воҳасида буғдой ва арпанинг “Толмас”, “Сурхон-5688” “Узрос-7-13”, “Санзар-4”, “Санзар-8” каби навлари экилди. Шунингдек, областда маккажўхори ва окжўхорининг гибрид уруғларини етиштириш билан 1 та элита хўжалиги, шоли етиштириш билан 2 та уруғчилик хўжалиги, лалмикор ерлар учун буғдой ва арпанинг юқори ҳосил берадиган элита уруғларини етиштириш билан эса 2 та хўжалик шуғулланди. Кўрилган барча чора-тадбирлар, қишлоқ ахлининг тинимсиз бунёдкорона меҳнати натижасида сабзавот, полиз экинлари, мева ва узум етиштириш маълум даража кўпайди, уларни етиштириш билан 3 та ихтисослашган колхоз ва 6 та совхоз шуғулланди ваҳоланки шу даврда 53 та колхоз, 91 та совхоз пахта етиштириш билан шуғулланар эди [4].

Натижада Сурхондарё области аграр соҳасида ҳам пахта якка ҳокимлиги йил сайин ўсиб борди. Масалан, 1970 йилда областда 217,4 минг гектар ерда деҳқончилик қилинди, шундан

66,8 минг гектарида донли экинлар, 119,3 минг гектарида картошка ва полиз махсулотлари етиштирилган бўлса, 1985 йилга келиб эса областда 273,7 минг гектар ерга экин экилди, шундан; 62 минг гектарини донли экинлар, 150,0 минг гектарини пахта 11,3 минг гектарини эса картошка ва полиз махсулотлари ташкил этди[5]. Лекин воҳа деҳқонларининг тинимсиз меҳнатининг эвазига областда нафақат пахтадан балки бошқа қишлоқ хўжалик махсулотларидан ҳам мўл ҳосил олинди.

Чунончи 1970-1985 йилларда областда ялпи дон етиштириш 50,5 минг тоннадан 135,6 минг тоннага, полиз махсулотлари 45,1 минг тоннадан 70,6 минг тоннага, маккажўхори- 4,7 минг тоннадан 30,8 минг тоннага, сабзавот 35,4 минг тоннадан 202,7 минг тоннага, шולי-112 минг тоннада 29,3 минг тоннага ҳўл мева 25,5 минг тоннага, узум 20,8 минг тоннадан 77,2 минг тоннага ўсди[6]. Республика раҳбарияти пахта бўйича режани қисқартириш масаласини иттифок раҳбарияти олдига мунтазам равишда қўйиб келганига қарамасдан, марказнинг пахтага бўлган талаби йилдан йилга ориб борди, ушбу талабни қондириш ниҳоятда мушкул бўлиб, ҳаётий ҳақиқатдан анча йироқ эди. Ўша йилларда республикадаги бутун ташкилий ва сиёсий ишлар бевосита пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги давлат топшириқларини бажаришга қаратилди. Пахтадан мўл ҳосил олиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, марказдан туриб белгиланган улкан пахта топшириш режасини бажариш учун республика раҳбарияти қўлидан келган барча ишни қилди. Хусусан қишлоқ хўжалигини механизациялаш, кимёлаштириш, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини қисқартириб бўлсада пахта майдонини кенгайтириш каби ишлар шулар жумласидан эди. Пахтадан мўл ҳосил олиш, қишлоқ хўжалик за-ракундаларига қарши курашиш мақсадида далаларга меъеридан ортиқ даражада минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий перепаратлар қўлланила бошланди.

Биргина 1960 йилнинг ўзида Сурхондарё областида 1 гектар ерга 10 кг дан зиёд заҳарли препарат қўлланилди. 1964 йили Қашқадарё областида эса 1 гектар ерга 14,3 кгдан заҳарли кимёвий моддалар сепилди. Ваҳоланки илмий асосланган меъёрларга кўра 1 гектар ерга сепиладиган кимёвий моддалар миқдори 1 килограммга яқин бўлиши лозим[7]. 1971 йилга келиб эса Қашқадарё областида ҳар бир гектар ерга 40-50 кг дан заҳарли кимёвий моддалар сепилди [8]. Оқибатда тупроқнинг таркиби жиддий тарзда бузилиб, сувда, ҳавода, тупроқда заҳарли моддалар миқдори йил сайин ортиб борди. Вазият шу даражага етдики ҳатто оналар сути таркибида ҳам заҳри қотил бўлган пецитицидлар мавжудлиги аниқланди. Қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан аёвсиз тарзда фойдаланиш нафақат атмосферани ифлослантирди балки аҳоли саломатлигига ҳам жиддий зарар етказди. Шеробод туманининг Хитой қишлоғида яшовчи Ражаб бобо Пардаевнинг эслашича 1978 йилда Шеробод тумани В.Қодиров номидаги совхоз ишчиларидан 2 нафар агроном, 4 нафар тракторчи ва 6 нафар сувчи ғўза майдонларига гексохлоран препаратини қўллаш жараёнида заҳарланган ва шундан 2 нафари вафот этган[9]. 1989 йилда эълон қилинган маълумотларга кўра Республикада туғилган ҳар минг боладан 40 таси, Сурхондарёда 60 таси, Қашқадарёда эса 65 таси вафот этаётганлиги ҳам бевосита минтақадаги экологик танглик билан боғлиқ эди. Қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий моддаларни аёвсиз қўллаш болаларнинг нормал ўсишига ҳам жиддий зарар етказди. 1990 йилда Қашқадарё областининг Марказий болалар шифохонасида 12860 нафар боланинг 80 фоизи гипотрофия ёки улардан 13 нафари эса ушбу касалликнинг оғир шакли билан касалланганлиги қайд этилган[10].

Янги ерларни ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган айрим хатолар хусусан ўзлаштирилган ерларда дренаж ва коллектер тизимларининг сифатсиз бажарилишида, режа изидан қувиб, янги ерларни ўзлаштиришда шошмашошарлик билан палапартиш ҳаракат қилишлар оқибатида жанубий областларнинг айрим ҳудудларида ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, шўрланиш даражаси йилдан йилга ортиб борди.

Мисол учун 1987 йил Қашқадарё областида кучли шўрланган ерлар 51 минг гектарни, ўрта шўрланган ерлар 37 минг гектарни ташкил қиларди. Миришкор канали атрофидаги ерларда ниҳоятда оғир аҳвол рўй берди. Бу ерларда ер ости сувини чиқариб юбориш масаласи ҳал қилинмаганлиги учун ер ўта даражада захлаб кетди. Қолаверса қурилиш бошқармаси

томонидан ўзлаштирилган ерлар сифатсиз тарзда топширилди. 1987 йилнинг 1 январига қадар бу ерларда қурилмаган коллекторлар 117 кмни, тугалланмаган ёпиқ дренажлар 754 кмни, чала қурилган суғориш тизимлари 84 кмни ташкил этарди. Қарши магистрал каналининг қурилиши охирига етказилмаганлиги туфайли Косон районида коллектор ва дюкерлар қурилмай қолди. Бой терак, Пўлати коллекторлари ишламади. Ҳар йили режадаги 12 минг километр коллекторларни тозалаш ўрнига 2-3 минг километр коллектор тозаланди[11].

Оқибатда ернинг ҳосилдорлиги пасайиб шўрланиш даражаси ошиб борди. 1987 йилда Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 2,5млн гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 2,2 млн гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер 671 минг гектари ҳайдаладиган ерлар, 1,4 млн гектар ер эса яйловларни ташкил этарди. 1976 йилда областдаги суғориладиган ҳар бир гектар ердан 714 рубллик маҳсулот олинган бўлса, 1986 йилга келиб бу кўрсаткич 639 рублга тушиб қолди. 1976 йили ҳар бир гектардан 28,4 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, 1986 йилга келиб 14,3 центнерга тушиб қолди. Бунинг устига 35 минг гектар суғориладиган ер фойдаланилмасдан шўр босиб қолди[12].

Бироқ бевосита Марказнинг топшириғи асосида республикада пахта етиштириш суръатлари сунъий тарзда ошириб борилди. Натижада унинг ялпи ҳосили 1946-1985 йилларда 5,5 барабар ортди. Чигит экиладиган майдонлар эса 841 минг гектардан 1989,8 минг гектарга етди[13]. XX асрнинг 80-йилларнинг ўрталарига келиб республика қишлоқ хўжалигида пахта экиладиган майдонлар салмоғи жами экин майдонлар миқдорининг 75 фоиз жанубий областларда эса ундан ҳам ошиб кетди[14].

Ўзбекистон аҳлининг пахта якка ҳокимлигининг оғир асоратларидан тинкаси қуриб, пахта етиштиришнинг барча имкониятлари тугаган ва режа-топшириқлари нореал тус олган бир шароитда марказ ҳар йили пахта етиштиришни доимий тарзда кўпайтириш юзасидан топшириқ бериб борди. Масалан, 1979 йилда Ўзбекистон давлатга 5 млн 850 минг тонна, 1981 йилда 6 млн тонна пахта топшириши лозим бўлгани ҳолда, 1982 йилда Брежнев 6 млн 300 минг тонна пахта топширишни таъминлаш вазифасини қўйди[15]. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов ушбу жараёни изохлаб шундай ёзган эди: “Қачонлардир Ўзбекистон мамлакатининг пахта мустақиллигини таъминлаши зарур, деган фикр кўндаланг бўлиб қолди. “Оқ олтин” ниҳоятда шавфқатсиз усуллар билан қўлга киритила бошлади. Бу йўлга ўтмаганларни вазифасидан четлатишди ва йўқотишди, уларнинг ўрнига “етиб оламиз ва ўзиб кетамиз”, “беш йилликни икки йилда қойиллатамиз, дея итоаткорана қўл ковуштириб турадиганлар танланди. Фақат дераза тоқчаларию томларга пахта экилмади, холос. Биз пахта мустақиллигини таъминладик. Ўзимиз эса қарам иқтисодиётга эга бўлиб қолдик”[16]. Совет ҳукуматининг нотўғри иқтисодий сиёсати туфайли иттифоқ иқтисодиёти XX асрнинг 80-йилларга келиб боши берк кўчага кириб қолди.

Ижтимоий-сиёсий соҳа ниҳоятда таранглашди, иқтисодиёт бир жойда депсиниб қолди. Шундай шароитда Москва муаммонинг илдизини бошқарувнинг маъмурий зўравонлик тизимидан ахтаришнинг ўрнига маҳаллий республикалар фаолиятдан топишга ҳаракат қилди. 1983 йилда Ўзбекистон Компартияси биринчи секретари Ш.Рашидовнинг вафотидан кейин республикада алғов-далғов даври бошланди. Марказ кўрсатмаси билан “Рашидовчилик”, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” каби сохта айбномалар ўйлаб топилиб, қама-қамалар авж олдирилиб, қатагонларнинг янги даври бошланди. “Ўзбек иши” ва “пахта иши” сифатида амалга оширилган қатагонлар халқимизнинг бошига чексиз ситамлар солди. Кўплаб кишилар ноҳақ қамалди уларнинг айримлари авахталарда жон таслим қилди. Уларнинг яқинлари, оила аъзолари сиқувга олинди “ўзбек иши” деб аталган тухмат ва қатагонлар шундайига ҳам аҳволи оғирлашиб бораётган халқнинг бошига яна катта-катта кулфатлар ёғдирди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Узбекистан за годы одиннадцатой пятилетки (1981-1985 гг.) Статистический сборник. – Ташкент, 1986. – С .119.

2. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б.293.
3. Турсунов С ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: “Шарқ”. 2001. – Б.256.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рақам, 382-иш, 76-варақ.
5. Узбекистан за годы одиннадцатой пятилетки (1981-1985 гг.) Статистический сборник. – Ташкент, 1986. – С.143
6. Турсунов С ва бошқалар Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: “Шарқ”. 2001. – Б.257.
7. Пардаев Т.Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва унинг экологик салбий оқибатлари тарихидан лавҳалар (1960-1970 йй). – Тошкент : “Фан”. 1996. – Б.9.
8. Ленин байроғи 1972 йил 6 январь.
9. Пардаев Ражабдан 2018 йил 31 май куни ёзиб олинган маълумот.
10. Пардаев Т.Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва унинг экологик салбий оқибатлари тарихидан лавҳалар (1960-1970 йй). – Тошкент : “Фан”. 1996. – Б.15.
11. Худойкулов М. Қарши чўли. – Тошкент: “Шарқ”. 1998. – бб.273-274.
12. Қашқадарё ҳақиқати газетаси. 1987 йил 15 сентябрь.
13. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. - С.102; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. – Ташкент, 1986. – С.103.
14. Ризаев С. Шароф Рашидов. Штрихи к портрету. – Ташкент, 1992. – С.273.
15. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б.303-304.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2011. – Б.285-286.

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ (XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ. ЖАНУБИЙ ВОХАЛАР МИСОЛИДА)

Холмунинов Ҳусан Эшмунинович,
Термиз давлат университети жаҳон тарихи
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада Россия империясининг мустамлакачиликлари ҳамда кўчириш сиёсати ва унинг Ўзбекистон жанубий вохаларидаги аҳоли демографик жараёнларга таъсири масалалари ёритилган, таҳлил этилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: Демографик жараёнлар, Россия империяси сиёсати, темир йўллар, пахтачилик саноати, савдо-иқтисодий алоқалар, кўчириш сиёсати, рус-тузем мактаблари, аҳоли миграцияси, миллий таркиби ортиши.

Аннотация: Влияние колониальной политики Российской империи на демографические процессы. В данной статье рассматривается, анализируется и делается вывод о колониальной и переселенческой политике Российской империи и ее влиянии на демографические процессы в южных оазисах Узбекистана.

Ключевые слова и фразы: Демографические процессы, политика Российской империи, железные дороги, хлопчатобумажная промышленность, торгово-экономические отношения, переселенческая политика, школы русского строя, миграция населения, увеличение национального состава.

Annotation: The influence of the colonial policy of the Russian Empire on demographic processes. This article discusses, analyzes and draws a conclusion about the colonial and resettlement policy of the Russian Empire and its impact on demographic processes in the southern oases of Uzbekistan.